



Ислом Нури

«...»
 :...»
 ...»
 ...)) «...»

Муттафақун алайҳ ҳадисда Умму Кулсум бинт Уқба розияллоҳу анҳо айтади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Одамлар ўртасини ислоҳ қилиш мақсадида ўзи тарафидан яхши сўзларни қўшиб етказадиган ёки яхшилиқни гапирадиган киши ёлғончи бўлмайди».

Имом Муслим ушбу ҳадисни қуйидаги қўшимча билан ривоят қилганлар:

...»
 :...»
 ...»
 ...))

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамлар гапирадиган ёлғон сўзлардан бирортасига рухсат берганларини эшитмадим. Фақат қуйидаги уч ҳолда – яъни урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эр-хотин ўртасида бўладиган сўзларда рухсат берганлар.»

Шарҳ:

Ёлғон сўзлаш – таъқиқланган ишлардан ва қабиҳ гуноҳлардан саналади. Лекин, эр-хотинни яраштириш ёки одамлар орасини тузатиш каби шаръий манфаати бўлган ишларда ёки урушда душманларга нисбатан ёлғон ишлатиш жоиз ҳисобланади.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Одамлар орасини тузатишдаа катта шаръий манфаатлар бўлгани туфайли унда ёлғон ишлатиш жоиз;
2. Урушда ёлғон ишлатиш жоиз, чунки у уруш ҳийлаларидан (стратегияларидан) саналади ва бунда шаръий манфаатлар мавжуд;
3. Эр хотинига, хотин эса эрига яхши кўриниш учун - шунда ҳам ҳеч бирига зулм ва зарар бўлмаслиги шарти билан - бир-бирига гоҳогоҳ ёлғон сўзлаши жоиз.